Тошкентдан Киевга, сўнг Нью-Йоркка

Яқин кунларда янги халқаро авиа йўл — Тошкент — Киев — Нью-Йорк йўналиши очилади. Бу Ўзбекистон билан Украина ўртасидаги ўзаро фойдали ҳамкорлик ривожланаётганлигидан далолат. Янги йўналишда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» ва «Украина авиалинияси» авиакомпанияларининг самолётлари хизмат қилади.

Қувонарлиси шуки, шу йил 2 апрелда самолётлар қатнови бошланадиган, бу линияда ишлаш учун украин экипажлари ва борт хизматчилари Тошкентда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясида малака оширадилар.

Ушбу йўналиш йўловчилар қатновини анча жонлантириши шубҳасиз, бундан ташқари дўст давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик ривожланишига янги омил бағишлайди.

Алим БЕК

Французча «Эдем»

«Шаҳрисабз ёғ-пишлоқ» ҳиссадорлик жамиятида янги маҳсулот ишлаб чиқариш жорий этилди. У «Эдем» пишлоғи бўлиб, французча усулда тайёрланади.

Дарвоқе, Франциянинг «Актинг» фирмасидан келтирилган жиҳозлар ёрдамида хорижий усулда пишлоқ тайёрлаш имконияти яратилди. Шу кунларда бу ерда кунига 3 минг литр сут қайта ишланмоқда.

Дастлабки маҳсулот истеъмолчиларга манзур бўлди. Энди экспорт масаласи ҳам ўйлаб кўрилмоқда.

Умматали ТЎРАХОНОВ

Японияда кураш бўйича чемпионат

Спортнинг кураш тури оммавийлашиб бормоқда. Бир жиҳатдан дзю-до ва самбо каби кураш ишқибозлари сафи тобора кенгаймоқда. Жаҳондаги юзлаб мамлакатлар курашни эътироф этиб, бундай беллашув билан шуғулланиш учун қулай шароитлар яратишмоқда. Куни кеча Японияда кураш бўйича федерация тузилгани ва 27 март куни бу ерда мамлакат чемпионати ўтказилиши ҳақидаги хабар ҳам курашга бўлган эътибордан нишонадир. Мамлакатимизда эса спортнинг кураш турини жаҳонга ёйиш учун ташкилий масалалар ҳал этилмоқда. Тошкентда халқаро кураш ассоциацияси фаолият кўрсатмоқда. Апрель ойи охирида спортнинг мазкур тури бўйича ўтказиладиган дастлабки жаҳон чемпионатига эса қарийб 70 мамлакатдан полвонларнинг келиши кутилмоқда.

Мирзо АНВАР

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 16 март, сешанба • № 32 (24.427).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН-ТУРКИЯ:

Абадий дўст ва ишончли ҳамкор

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 15 март куни Туркия Жумҳурияти Президенти Сулаймон Демирэлнинг мамлакатимизга расмий ташрифи бошланиши арафасида Тошкент аэропортида ҳозир бўлган оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбатда бўлди.

Туркия Жумҳурияти Президентининг мамлакатимизга ташрифига доир саволга жавоб қайтарар экан, мамлакатимиз раҳбари, жумладан, шундай деди:

— Ўзбекистон ва Туркиянинг иқтисодий ҳамкорлик алоқалари кутилганидек, тез ва самарали ривожланиб бораётир. Расмий ташриф доирасида Самарқанд шаҳрида тақдимот маросими ўтказиладиган, яъни қиймати олтмиш беш миллион АҚШ долларига тенг бўлган «Самкочавто» қўшма корхонаси мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятининг ўсишига, кўпчиликни иш билан таъминлашга салмоқли ҳисса қўшиши шубҳасиз. Бу корхона тўла қувват билан ишга тушганидан сўнг, йилига беш минг донадан зиёд автобус ва турли русумдаги юк машиналари ишлаб чиқарилади.

Мен бугун яна бир ҳужжатга имзо чекдим — энди Самарқанддаги «Сино» музлатгичлари ишлаб чиқарадиган завод ҳам туркиялик шериклар билан ҳамкорликда қайта жиҳозланади. Ташриф чоғида бўлиб ўтадиган музокаралар жараёнида иқтисодий ҳамкорлигимизнинг бошқа қирраларини ҳам муҳокама этамиз, бундай ҳамкорликни янада кенгайтириш масалаларини кўриб чиқамиз.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон ва Туркия Жумҳурияти ўртасидаги сиёсий ҳамкорлик масалаларига тўхталар экан, дунёда ва, хусусан, минтақамизда тинчлик ҳамда барқарорликнинг сақланишида Туркиянинг алоҳида ўрни борлигини қайд этди. Мен шуни алоҳида таъкидлашни истар эдимки, деди жумладан Президент Ислом Каримов, Туркия катта салоҳиятга эга давлатдир. Шу боис юртимизда, минтақамизда тинчликни сақлаш борасида Туркия салоҳиятидан фойдаланиш масаласи ҳам музокаралар мавзуларидан бири бўлади. Жуда кўп сиёсий масалаларда биз Туркия билан ҳамфикрмиз, деди Президент, бир қанча масалаларга қарашларимизда эса яқин ва ўхшаш жиҳатлар бор.

Мамлакатимиз раҳбари 16 февралда Тошкентда юз берган воқеаларга тўхталиб, Туркия ҳам террорчилар хуружларидан азият чекаётганини айтди. Куни кеча Истанбулдаги йирик савдо марказларидан бирида уюштирилган террорчилик ҳаракати ҳам бунинг ёрқин далилидир. Шу боис бундай масалаларда яқин ҳамкорликни йўлга қўйишдан ҳар икки томон бирдек манфаат топиши тайин.

Туркия Жумҳурияти Президенти Сулаймон Демирэл ўтирган самолёт Тошкент аэропортига қўнди. Олий мартабали меҳмонни давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

«Дўрмон» қароргоҳида Туркия Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Маросим ниҳоясига етгач, икки давлат раҳбарларининг яккама-якка суҳбати бошланди. Президентлар ўзаро муносабатларнинг бугунги аҳволига доир қатор масалаларни кўриб чиқдилар. Томонларни қизиқтирган халқаро аҳамиятга молик муаммолар хусусида ҳам ўзаро фикр алмашилди. Президентларнинг яккама-якка суҳбатида террорчилик, уюшган жиноятчилик, қурол-яроғ ва наркотик моддалар контрабандасига қарши курашда ҳамкорликни янада чуқурлаштиришга келишиб олинди. Шундан сўнг Президентлар иштирокида икки мамлакат делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бошланди. Унда сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳалар бўйича икки томонлама алоқаларни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Президент Ислом Каримов Ўзбекистон —Туркия муносабатларига тўхталар экан, бу борада Ўзбекистон устувор деб қарайдиган соҳалар хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Жумладан, сиёсий томондан муносабатларимизни ҳозиргидек юқори даражада сақлаб туриш ва давом эттириш, халқаро ташкилотлар доирасида ҳамкорлик, шунингдек, минтақавий хавфсизликни таъминлаш масалаларида ҳамжиҳатлик биз учун жуда муҳим, деди давлатимиз раҳбари.

Ислом Каримов Ўзбекистон Туркиянинг ички ва ташқи сиёсатини қўллаб-қувватлашини, Боку — Жайҳон магистрали тезроқ ишга тушиши тарафдори эканлигини таъкидлади. Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон, айниқса, Туркиянинг террорчиликка қарши юритаётган сиёсатини тўла қўллаб-қувватлашини айтар экан, бу борада у мамлакатимизга ҳам ёрдам кўрсатишига умид билдирди. Сулаймон Демирэл Туркия зарур бўлганда, Ўзбекистонга ҳар томонлама ёрдам кўрсатишга тайёр эканини маълум қилди.

Иқтисодий муносабатлар хусусида сўз кетганда, айтиш жоизки, Туркия Ўзбекистоннинг энг яқин ҳамкорларидан ҳисобланади. Бироқ, ҳозирги даражадаги алоқалар мақтовга лойиқ бўлса-да, ҳали ишга солинмаган имкониятлар, шерикликни янада кенгайтириш учун улкан салоҳият мавжуд. Ўзбекистон бу имкониятларни тўлароқ ишга солиш тарафдоридир.

Икки мамлакат ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 1992 йилда 75 миллион АҚШ долларини ташкил этган эди. Ўтган йили бу кўрсаткич 275 миллионга етди. Самарқандда очилиш маросими ўтказилиши мўлжалланаётган «Самкочавто» қўшма корхонаси иқтисодий ҳамкорлик юқори поғонада эканини яна бир тасдиқлайди. Умуман, Туркия Ўзбекистонга энг кўп сармоя киритган мамлакат ҳисобланади. Лекин, шундай бўлсада, кўпроқ эътибор қаратадиган айрим жиҳатлар ҳам мавжуд. Масалан, икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича қўшма комиссиянинг фаолияти сўнгги пайтларда бироз сусайди. Музокараларда бундай масалаларни ҳал этиш юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Музокараларда транспорт коммуникацияси масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Ислом Каримов Ўзбекистон Туркиянинг эркин иқтисодий зоналарида жойлашган Истанбул, Трабзон, Адана, Мерсин каби шаҳарларидаги портлардан, омборлардан фойдаланиш тарафдори эканини ва бу масала бўйича музокаралар бошлашга тайёрлигини билдирди. Шунингдек, давлатимиз раҳбари Қора денгиз иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлиш Ўзбекистон учун янада кенг имкониятлар очишини таъкидлаб, бу борада Туркиянинг мамлакатимизни қўллаб-қувватлашига умид билдирди.

Шунингдек, музокараларда илм-фан, маданият, таълим соҳалари бўйича ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Туркия Президенти Сулаймон Демирэл Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовни Туркияга расмий ташриф буюришга таклиф қилди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Туркия Президенти Сулаймон Демирэл икки давлат раҳбарлари ўртасида бўлган музокаралар юзасидан қўшма баёнотга имзо чекдилар.

Шундан сўнг матбуот анжумани бўлди. Президентлар яккама-якка суҳбат ҳамда кенгайтирилган таркибдаги музокаралар чоғида кўрилган масалалар хусусида сўзлади. Ислом Каримов юзма-юз суҳбат чоғида муҳокама этилган барча масалалар юзасидан нуқтаи назарлар яқин ёки муштарак эканини маълум қилди.

С.Демирэл 16 февраль куни Тошкентда рўй берган воқеа муносабати билан ҳамдардлик билдирди. Бу хатти-ҳаракатлар халқни саросимага солиб, юртдаги барқарорликка раҳна етказишга қаратилган эди. Лекин, Ўзбекистонни танлаган йўлидан қайтариб бўлмаслиги равшан. Биз бу йўлда уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёрмиз. Ўзбекистон учун энг яқин дўст Туркия давлати ва турк халқидир, деди у.

Ислом Каримов мазкур фожиа хусусида берилган саволга жавоб қайтарар экан, аввало, Ўзбекистон мустақилликка эришган илк даврдаёқ Туркия унинг учун энг яқин, елкадош мамлакат бўлганини таъкидлади ва қардош давлатнинг исталган пайтда ёрдам қўлини чўзишга тайёрлигидан мамнуният изҳор этди. Айни чоғда 16 февраль кунги воқеалар юзасидан қидирув-тергов ишлари давом этаётганини таъкидлади. Президентлар журналистларни қизиқтирган бошқа саволларга ҳам жавоб қайтардилар.

Шу куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов номидан Туркия Республикаси Президенти Сулаймон Демирэл шарафига қабул маросими уюштирилди. Тадбир ниҳоясида С.Демирэл мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган туркиялик ишбилармонлар билан учрашди. Мулоқот чоғида турк ҳамкорларининг Ўзбекистонда амалга ошираётган ишлари, янги лойиҳалар тузиш ва ҳаётга татбиқ этиш имкониятлари хусусида сўз борди.

Туркия Президенти Сулаймон Демирэлнинг мамлакатимизга расмий ташрифи давом этмоқда.

Мусулмон НАМОЗОВ,
Беҳзод НОРБОЕВ,
Анвар БОБОЕВ,
ЎзА мухбирлари.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида

Шу йил 15 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисни Ўзбекистон парламентининг Раиси Э. Халилов олиб борди.

Кенгаш биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясини 1999 йил 14 апрелда чақириш тўғрисида қарор қабул қилди (қарор матни ҳамда бўлғуси сессия муҳокамасига киритилажак масалалар рўйхати эълон қилинмоқда).

Мажлисда сессияга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича депутатлар ишчи гуруҳи тузилди. Унга Олий Мажлис Раисининг ўринбосари Б. Бугров раҳбар бўлди.

Олий Мажлис раҳбарияти ҳар йили ҳисобот бериб туриши тўғрисидаги конституциявий талабни бажара бориб, Кенгаш Ўзбекистон парламенти ва унинг раҳбариятининг 1998 йилдаги иши тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқди ҳамда уни Олий Мажлиснинг бўлғуси сессияси муҳокамасига киритишга қарор қилди (Ҳисобот парламент томонидан кўриб чиқилганидан сўнг матбуотда эълон қилинади).

Таркиб топган анъанага биноан Кенгаш аъзолари Олий Мажлис ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтининг директори А. Турсуновнинг институт жамоасининг 1998 йилдаги иши тўғрисидаги ҳисоботини тингладилар. Маърузачи, Олий Мажлис Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг раиси Н. Исмоилов, Олий Мажлис фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари П. Қодиров, Олий Мажлис Раисининг ўринбосари А. Қосимов институт ўтган йилда қонун ҳужжатларининг лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш ва ишлаб чиқиш, қонунларга риоя этилиши устидан назорат олиб бориш, миллий қонун ҳужжатларини инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларга мувофиқлаштириш юзасидан муайян ишлар қилганлиги, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш тадбирларини амалга оширганлигини таъкидлаб ўтдилар.

1997 йилга нисбатан институтда илмий ишлар анчагина кучайди, бу ишлар инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг турли жиҳатларини тадқиқ этишга, халқаро ҳуқуқ нормаларини миллий қонун ҳужжатларига сингдириш масалаларига, қонунларнинг амал қилиш самарадорлиги муаммоларига қаратилди. Институтнинг халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги кенгайди ва чуқурлашди.

Э. Халилов институт фаолияти хусусида алоҳида тўхталар экан ана шу ижобий ишлар билан бирга ижодий жамоа бир қатор муҳим изланишларни эътибордан четда қолдираётганлигини кўрсатиб ўтди. Хусусан тегишли вазирликлар ва идоралар ҳамда қонунчилик борасида фаолият кўрсатаётган муассасалар билан ҳамкорликни кучайтириш зарурлиги таъкидланди. Бу ўринда қонун ҳужжатларини ишлаб чиқишга назарий ёндашув ва уни амалда тайёрлаш тажрибаси айнан мониторинг институти ходимлари томонидан тўпланиши мумкин ва бу қонунчилик амалиётида ўз натижасини кўрсатиши керак деган истак билдирилди. Бу билимларнинг ва тажрибанинг ҳосиласи эса парламентда янада пишиқ ва мукаммал қонун ҳужжатларининг лойиҳалари тайёрланишига кўмаклашиши лозим.

Кенгаш институт раҳбариятига ўз ишини изчил такомиллаштириб бориш, назорат-таҳлил соҳасида Олий Мажлис қўмиталари ва комиссиялари билан ҳамкорликни яхшилаш, тегишли ҳалқаро ташкилотлар ва чет эллардаги институтлар билан илмий тадқиқотлар ва ҳамкорликнинг устувор йўналишларини белгилаб олиш, институтда халқаро ҳуқуқ ҳужжатларининг ихтисослаштирилган фондини ташкил этиш юзасидан жадал иш олиб боришни топширди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг қарори

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясини чақириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши **қарор қилади:**

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессияси 1999 йил 14 апрелда Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси *Э. ХАЛИЛОВ*

Тошкент шаҳри,
1999 йил, 15 март.

Олий Мажлиснинг ўн тўртинчи сессияси муҳокамасига қуйидаги масалаларни киритиш назарда тутилмоқда:

1. «Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси (иккинчи ўқишда).
2. «Лизинг тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси (иккинчи ўқишда).
3. «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси (янги таҳрирда, иккинчи ўқишда).
4. «Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси.
5. «Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси (иккинчи ўқишда).
6. «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси (иккинчи ўқишда).
7. «Темир йўл транспорти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси.
8. «Ўрмон тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси (иккинчи ўқишда).
9. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йилги давлат бюджетининг биринчи кварталдаги ижроси тўғрисида ахборот.
10. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва унинг раҳбариятининг 1998 йилдаги фаолияти тўғрисида.
11. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг 1998 йилдаги фаолияти тўғрисида.

Ана шу масалалар билан бирга Олий Мажлиснинг ваколат доирасига кирадиган бошқа масалаларни ҳам депутатлар муҳокамасига киритиш мўлжалланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1999 йил 16 мартдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади**

1 Австралия доллари	72,12	1 Польша злотийси	28,91
1 Австрия шиллинги	9,06	1 СДР	154,89
1 Англия фунт стерлинги	185,74	1000 Туркия лираси	0,32
10 Бельгия франки	30,91	1 Финляндия маркаси	20,97
1 Голландия гульдени	56,58	1 Франция франки	19,01
10 Греция драхмаси	3,88	1 Швейцария франки	77,95
1 Дания кронаси	16,79	1 ЕВРО	126,69
1 БАА дирхами	31,07	10 Жанубий Корея вони	0,92
1 АҚШ доллари	113,73	10 Япония иенаси	9,50
1 Миср фунти	33,45	1 Россия рубли	4,92
10 Испания песети	7,49	1 Украина гривнаси	30,47
100 Италия лираси	6,44	1000 Белорусь рубли	0,49
1 Канада доллари	74,63	1 Латвия лати	193,42
1 Хитой юани	13,74	1 Литва лити	28,43
10 Люксембург франки	30,91	1 Молдова лейи	13,04
1 Малайзия рингити	29,93	1 Қирғизистон соми	3,64
1 Германия маркаси	63,75		

***)Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

«Касалхонадаги машмашалар»

«Ўзбекистон овози» газетасининг шу йил 16 февраль сонида «Журналист текшируви» рукни остида чоп этилган «Касалхонадаги машмашалар» мақоласида кўрсатилган фактлар Республика соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ўрганиб чиқилди.

Мақолада кўрсатилган фактлар ўз тасдиғини топди. Текширув натижалари Сурхондарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ва Қизириқ туман ҳокимлигининг қўшма ҳайъат йиғилишида муҳокама этилиб, қуйидаги қарор қабул қилинди:

1. Туман марказий шифохонасининг бош шифокори П. Юсупов Республика соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1997 йил 27 февраль 100-сонли «Қишлоқ аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиш аҳволини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги буйруғида кўрсатилган марказий шифохона бош шифокори хизмат вазифалари низомининг 6, 7, 8, 9, 11, 12-бандларини бажармаганлиги учун ўз эгаллаб турган вазифасидан озод этилди.

2. Бош шифокорнинг даволаш ишлари бўйича муовини С. Арабова бош шифокорнинг даволаш ишлари бўйича муовини хизмат вазифалари низомининг 3, 4, 7, 8, 9, 10-бандларида кўрсатилган хизмат ишларини ташкил этишда йўл қўйган хато-камчиликлари учун ўз эгаллаб турган вазифасидан озод этилди.

3. Бош шифокорнинг оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилиш ишлари бўйича муовини Т. Ражабов юқорида кўрсатилган буйруқнинг тегишли низомидаги 6, 7, 8-бандларини бажаришда ўта масъулиятсиз бўлгани учун ўз лавозимидан озод этилди.

4. Туман шифохонаси бош ҳисобчиси А. Раҳмонов бюджет ҳисобидан ажратилган маблағларни тўғри ишлатилишини назорат қилмаганлиги, ўз хизмат вазифасига масъулиятсиз муносабатда бўлганлиги учун лавозимидан озод этилди.

5. Туман СЭС бош шифокори А. Мустафоева ишдаги камчиликлари учун «ҳайфсан» эълон қилинди.

Янги тайинланган раҳбарият туман ҳокимлиги иштирокида мақолада кўрсатилган фактлар оқибатларини бартараф қилиш бўйича чора-тадбирлар кўриш топширилди.

Туман марказий шифохонасидаги муҳитни соғломлаштириш бўйича ишлар назорати вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг Назорат инспекцияси бошлиғи Ш. Давлатовга юклатилди.

Республика соғлиқни сақлаш вазири
Ф. НАЗИРОВ

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«Кунгабоқар кимга ёқар?»

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг мутахассислари рўзноманинг 1999 йил 9 январь сонида чоп этилган «Кунгабоқар кимга ёқар?» сарлавҳали мақола билан танишиб чиқиб, қуйидагиларни маълум қилади.

Кўтарилган мавзу ҳақиқатан ҳам долзарб бўлиб, мустақил республикамизнинг иқтисодий жиҳатдан янада камол топишида муҳим аҳамият касб этади.

Бу борада республика ҳукуматининг бевосита раҳбарлиги остида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Республикада мойли экинларни кўпайтириш мақсадида нафақат кунгабоқар, балки махсар, соя, зиғир, кунжут каби экин турларини ҳам кўпайтиришга катта эътибор берилмоқда.

Лекин, шуни алоҳида қайд қилиб ўтиш лозимки, республикада суғориладиган ерлар чекланганлиги сабабли ҳозирча бундай экинларни кўпроқ галладан бўшаган майдонларга такрорий экиш тавсия қилинмоқда ва бунинг учун зарур миқдордаги минерал ўғитлар билан таъминлаш борасида ҳукумат томонидан махсус кўрсатмалар бериб борилмоқда.

Жойларда бошоқли дон экинлари етиштириш технологиясига тўлиқ риоя қилинса, галлани эрта етиштириб, эрта ўриб олинса, ҳамда мутахассислар билан маслаҳатлашиб, минтақаларнинг иқлим шароитини, сув билан таъминланишини ҳисобга олиб, олимлар тавсия этган эртапишар навларни июнь ойининг биринчи ўн кунлигида экиб олишга эришиш билан бирга бошқа агротехник тадбирларни ҳам ўз вақтида сифатли қилиб ўтказилса, кунгабоқар ўсимлигидан кўзланган ҳосилни олиш мумкин бўлади.

Шу билан бирга кейинги йилларда республикада бошоқли дон экинларидан олинадиган ҳосилдорликни ошира бориш ҳисобига, экин майдонларини камайтириш ва ўрнига халқ эҳтиёжи учун зарур бўлган бошқа экин турларини жойлаштириш режалаштирилган.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири И. БОБОЖОНОВ

«Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда»

Кеча ва бугуннинг сабоқлари

16 февраль куни Президентимизга, халқимизга бир тўда террорчилар томонидан қилинган хунрезлик мени ларзага солди. Бу — тинч ҳаётимизни, республикамизнинг халқаро миқёсда обрў-эътибори ошиб бораётганлигини кўролмаслик оқибати, деб биламан.

Оллоҳга шукроналар бўлсинки, улар ёвуз ниятларига ета олмади, кулфат халқимизни юртбоши атрофида янада мустаҳкам жипслаштирди, бизни ҳар лаҳза сергак бўлиб яшашга ундади.

Юртбошимизнинг «Озод бўлсанг — озод бўл, эркин бўлсанг — эркин бўл, мустақил бўлсанг — мустақил бўл» деган доно даъвати мени жиддий ўйлантиради. Мен нафақахўрман, аммо ҳозир ҳам мустақил Ватан кенжатойларига билим беришда, жамоат ишларида фаол қатнашиб озодлик ишига имкон қадар ҳиссамни қўшиб келмоқдаман.

Оиламда тўрт ўғил, тўрт қизим бор. Шундан беш нафарини уйли-жойли қилганман. Тинч, фаровон ҳаёт кечираяпмиз. Ўнта набирани бобосиман. Менга нима керак? Тинчлик, омонлик! Шунга дахл қилган — уйимизни бузган бўлади. Бир қушнинг уйини бузсангиз бечора қанча нола қилади? Бу касофатлар йигирма тўрт миллионлик халқнинг уйини бузмоқчи бўлишди-я! Эшитаяпмиз, бу тўнтариш ҳаракати тепасида Президент бўламан деган бир хоин турганлигини!

Қон тутади уни! Нима, унинг касофатига қолиб умри хазон бўлганлар одам эмасми? Уларнинг ҳаётда ҳақи йўқми?

Ким билан ўйнашаяпти улар? Халқ қўзғалса уруғини куйдириб юборади-ку!

Ёвуз ният, амалпараст
эй жонлар,
Халқ қаҳрига
учраган беимонлар,
Озодликни енголмас
қўли қонлар,
Оллоҳ юртбошимни
ўзи сақлайди.

Худойқул МАВСУМОВ,
Усмон Юсупов тумани.

Унутилмас кун жароҳати

Мен ёзувчи эмасман, шоир ҳам эмас. Лекин, 16 февраль куни бўлган мудҳиш воқеалар қўлимга қалам олишга мажбур этди, кўпгина юртдошларим қатори фикримни баён этишга ўзимда журъат топдим. Аввало, шукр, душманларимиз қон тўккан билан ёвуз ниятларини амалга ошира олмади, Ватан ва озодлик йўлида шаҳид кетганларнинг охирати обод бўлсин. Уларнинг уволи урсин, руҳлари тинчлик бермасин ватангадоларга!

Биз оиламиз билан телевидение орқали ҳамма хабарларни кўриб, эшитиб турибмиз. Биз кўриб турибмизки, энг оғир пайтда матонат кўрсатган Президентимиз бўлдилар. Ислом Каримов бизга: — Қўрқманглар, ваҳимага тушманглар! — деб далда бериб турган пайтда орқа томонда портлаш бўлганлигини биз сезганимиз йўқми? Биз юрак ҳовучлаб турибмиз, аммо Президент саросимага тушмай ҳаммамизнинг юрагимиздан қўрқув, ваҳимани ҳайдадилар. Тўғри, киноларда, эртакларда шундай бўлади. Аммо, бу — ҳаёт. 16 февраль куни биз юртбошимизда кўрдик, шундай мардликни! Кўрдик, она халқи учун ширин жони, азиз бошини ҳам аямай, тоғдай бўлиб турган Президентни!..

Мактабда ўқиб юрган пайтларим «Иқбол» қизлар конкурсида шоир Абдулла Ориповнинг «Онажон» шеърини ўқиётиб, йиғламайман, деб ҳар қанча уринсам-да, йиғлаб юборганман. Абдулла Ориповнинг ихлосманди сифатида шуни айтаманки, 16 февраль воқеалари ҳақида гапириб, Абдулла ака менинг юрагимдаги саволларга жавоб айтди. Оллоҳга шукр қилдимки, юракка ботадиган, сергак торттирадиган сўзлар айтадиган азизлари бор халқимизнинг.

Бир ҳолат ўша кундан буён мени қийнайди, фикрларимни чалғитиб юборади. Олти ёшли қизчам фотиҳага қўл очганимизда: «Ўзбекистонимиз тинч бўлсин! Ислом Каримов бобомизни Оллоҳ паноҳида асрасин!» — деб омин қилади. Шу бола биладики, юртбошимизнинг омонлиги — ўзининг, бизнинг, юртимизнинг тинчлигидир.

Ўзбекистон ким туфайли шунча ютуқларга эришмоқда? Ким туфайли дунёга танилмоқда? Ким туфайли тинчмиз, келажагимизга ёруғ ишонч билан қараймиз? Оллоҳнинг китоби Қуръони Карим, дини ислом ким туфайли юртимизга қайтди? Шунинг учун Оллоҳ таоло юртбошимизни ўз паноҳида асрамадими? Ўзбекистонимиз эртаклардаги жаннатмакон, баракали юртга айланмадими?

Шундай мўътабар инсонга, шундай муборак юртга ёмонлик соғинганлар ким ўзи? Уларни нима мақсад шу йўлга бошлади?

Кўнглим сезиб турибди — бу манфур ёвузлик замирида ётган пинҳоний ният ҳам, уларга ёрдам берган, ўзлари панада турган куч ҳам жуда катта.

16 февраль кўнглимизда битмас жароҳат қолдирди. Терроризмнинг аччиқ сабоқлари ҳеч қачон ёдимиздан чиқмайди.

Дилором ТОШҚУЛОВА,
Тошкент шаҳар, Сирғали тумани.

Ватанга содиқ фарзанд бўламиз

Биз Яккасарой туманидаги Бадриддин Чочий номли 91-ўрта мактабнинг 7^а-синф ўқувчилари Ўзбекистон келажаги буюк давлат эканлигига қаттиқ ишонамиз. Шунинг учун биз уни севиб, қадрлашимиз лозим! Ўзбекистон тараққиётининг пойдеворини биз ёшлар мустаҳкамлаймиз ва мустақиллигимизни сақлаб қолишга сўз берамиз. Ватанни севиб, унинг равнақи ва гуллаб-яшнаши йўлида фаол қатнашамиз. Яхши ўқиб, Ватанга содиқ фарзанд бўлиб қоламиз.

Мустақиллигимизни кўролмайдиганлар ўз ниятини амалга оширишга ҳаракат қилдилар ва мудҳиш фожиага сабаб бўлдилар. Бу воқеа биз ўқувчиларни ҳам ларзага солди, лекин бирлигимизни, ҳушёрлигимизни оширди. Бизнинг мактабимиз шаҳар марказида, ўша портлашлар бўлган жойга яқин эди. Портлаш юз берганда мактабимизнинг бир неча ойнаси синиб кетди. Лекин, биз қўрқмадик. Сизни ўйладик, ҳурматли Президент. Телевизор орқали сизни кўриб, вазмин даъватингизни эшитганда, кўзларимизга ёш қалқиди. Шундагина бироз хотиржамлик ҳиссини туйдик. Мактабимиз ойналарини ҳам тузатиб олдик.

«Фарзандларимни ҳеч кимга бериб қўймайман» деган сўзингиз бизни қувонтирди, Сизга муносиб фарзанд бўлишга ундади.

Биз ҳам Сизни ҳеч кимга бериб қўймаймиз.

Синфдошлар ва ўқитувчимиз Роҳила опа номидан
Фотима ва Зуҳра
АҲМЕДОВАЛАР.

Хатлар, хатлар, хатлар

Ўз уйимга киролмай, доғман...

Сирасини айтсам, шикоятбозлик жонимга тегди. Аслида сизларга хат ёзмоқчи эмасдим. Боиси, ишларинг ҳамиша орқага кетаверганидан кейин умидсизланиб қолдим. Зеро, чиқмаган жондан умид деганларидек, зора деган ниятда бор гапни сизларга ишфо қилишни лозим топдим. Гап шундаки, турмуш ўртоғим Қўчқор Алимов 1972 йилдан бери 2511-автожамланмада меҳнат қилади. Жамоа раҳбарларининг ваъдаси ва ижозати билан бир йилдан кейин уй олиш учун навбатда турган. Ҳайтовур, 1990 йили Мирпўстин кўча 6 ва 6^а уйлар қурилиши бошланди. Тўрт йилдан кейин 7 декабрда бахтимиз чопиб, 6^а уйдан бизга 20-хонадон ажратилди. Халқимизда қувончнинг охири бахайр бўлсин, деб бежиз айтишмас экан. Энди ҳовли тўй қилар эканмиз, янги йилни янги уйда кутарканмиз деб, эзгу-ниятлар билан ўша бизга ажратилган хонадонга борсак, не кўз билан кўрайликки, уйга Шуҳрат Норқўзиев деган бегона эгалик қилиб олибди.

Бунга ҳам жуда куюнмадик, англашмовчилик бўлди шекилли, деб ўйладик. Лекин, 6^а уйдан берилган 20-хонадон учун 386-ордер қўлимизда сабил қолди. Бутун сарсон-саргардонлик, оворагарчилик, югур-югурлар шундан бошланди. Маълум бўлишича, янги уй хонадонлари 2511-автожамланмада 1985 йилгача ишга кирганлар учун тақсимланиши керак экан. Норқўзиев эса 1990 йили ишга кирган бўлиб, (бизга қоронғу, сиздан угина, биздан бугина маъносида) унинг хужжатларини қалбакилаштириб, бизга ажратилган хонадон калитини унга бериб қўя қолишган. Додимизни кимга айтардик. Шаҳар суди, вилоят суди, ҳатто Олий судга мурожаат қилдик. Натижа...

Шу тариқа уйлик бўлганимиз ҳақидаги хужжат — ордер қўлимизда-ю, ўзимиз тўртта фарзанд билан кўчада қолдик. Энг ёмони турмуш ўртоғим Қўчқор ака бундай бедодликка тоқат қила олмай юрак инфарктига чалиндилар. Адолатсизлик шундаки, уйимизни эгаллаб олган кимса асли фарғоналик бўлиб, яшаш учун рўйхатда қайд этилган бўлишига қарамай уй-жойли бўлиб олгани эди. Ахир, ҳамма нарсани ўрнига қўядиган, қонун устуворлигини эътироф этадиган мард борми ўзи?

Сизларга илтижо сўзларини баён этиб

Хадича АЛИМОВА,
Андижон шаҳар.

Асаббузарлик ҳам эви билан-да

Қарши шаҳрини бирор юмуш билан айланиб келишга тўғри келиб қолса, уйингиздан чиққандан қулоқингиз тагида бир-биридан қаттиқроқ кучли қувватга эга бўлган ва худди кишиларнинг жиғига ким кўпроқ тегиш учун мусобақа ўйнаётгандай, деярлик ҳар қадамда учрайдиган карнай овозидан ўзингизни олиб қочишга жой йўқлигидан хуноб бўласиз.

Бир жувон қўлида чақалоғи билан шошиб келаётган экан. Бирор гап бўлдими, деб сўрадим.

— Амакижон, нима қилай, боламни эмлатишга поликлиникага олиб борган эдим, нимагадир болаларим қаттиқ овоздан жуда қўрқишади.

Бу воқеа менда ғалати таассурот қолдирди, эртасигаёқ ҳокимликка боришга қарор қилдим. Ўзимча, тўхта, мен аввал ўша магнитофончилардан илтимос қилсам балки тушунишар, деган ўй билан кассета сотувчиларга яқинлашдим: «Отахон, бу бизнинг касбимиз, керак бўлса, сиздақа бобойМомойларга кўпроқ пенсия бўлсин деб тушлик ҳам қилмай ишлаймиз, бунинг учун бизларга раҳмат десангиз бўлади», деди. Иккинчиси эса «Бобой, ҳар куни ҳокимлик жарақ-жарақ пулчасини олиб турибди, мана шу ерни нақд пулга сотиб олганман, керак бўлса, патентим ҳам бор, овозни қанча баланд қўйсам, шунча савдо яхши, шунинг учун овозни пасайтиролмайман», деса, учинчи карнайчи масалани кўндаланг қўя қолиб дангалига ўтди: «Бобойжон, қаерга борсангиз бораверинг, қўлингиздан келганини қилинг», деб қўл силтади-да, аччиғидан сигаретини ёқиб, тутунини симира бошлади.

Бундай савлатидан от ҳуркадиган, билаклари йўғон полвонларнинг эрта тонгдан кеч қоронғусигача одамлар гавжум жойларда ўтириб олиб давлатга тўлаган беш юз сўм учун беш минг одамнинг асабини ҳар кун бузиб, ўзларини яна қарияларни боқаётган «саховатпеша» қилиб кўрсатганларга нима дейсиз? Чуқурроқ ўйлаб кўрганда, наҳотки кишиларимиз қадр-қиммати, унинг тинч осойишта яшашга бўлган ҳақ-ҳуқуқлари шунчалик арзонлашиб кетган бўлса?

Ҳа, бундай майда-чуйдадек кўринган, аслида эса эътиборталаб, ҳаётимизда кўп учрайдиган камчиликларга ҳаммамиз ҳам лоқайд қарайдиган бўлиб қолганмиз.

Ваҳоланки, магнитофон кассетафурушларининг чиқараётган шовқинлари децибелл бўйича 60-80 даражани кўрсатади. Бу нормадаги рухсат этилган даражадан бир неча ўн марта кўп бўлиб, кишилар соғлиғига ва айниқса, уларнинг асабларига салбий таъсир қилиши табиий. Афсусларким, ҳали ҳам раҳбарларимиз фақат юқоридан буйруқ кутиб яшайдилар, уларда ташаббускорлик, мустақил фикр юритиш ва шижоат етишмайди.

Ёдгор ТУРЛИБЕКОВ,
нафақахўр.

Агар партия фаоллари доимий ўқиб-ўрганишда бўлса ишда ҳам ривож бўлади. Бунга амал қилган ЎзХДП Андижон шаҳар кенгаши бошланғич партия ташкилотлари котибларининг ўқув семинарини ташкил этди. Унда юртбошимиз И. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асари, «Туркистон» газетаси мухбири саволларига жавоблари ўрганилди. Котиблар ҳузурида Андижон Давлат университетининг проректори, профессор Қ. Парпиев ҳам маъруза қилди. Кўпчиликни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

Котиблар ўқуви

Ўқув семинар қатнашчилари 16 февралда мамлакатимиз пойтахти — Тошкентда юз берган нохуш воқеаларга муносабатларини билдирдилар. Партия фаоллари халқ билан Президентимиз ёнида туриб мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш учун янада астойдил меҳнат қилишларини билдириб ёвуз кучларнинг қилмишларини қораладилар.

Ўқув семинарда ЎзХДП Андижон вилоят кенгашининг иккинчи котиби Н. Сайидкамолов қатнашди ва сўзга чиқди.

Аҳмадулло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Чўпонлар хизматида

Қорақалпоғистон Республикасида олинаётган қўзиларнинг кўпчилигини тирик қолдириш ҳисобидан қўйларнинг бош сонини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қиш ойларида қўйларнинг соғлом, чиқимсиз бўлишини таъминлашда ветеринария-зоотехника, маданий-маиший хизматлар туманларнинг ҳокимликлари томонидан назорат остига олинган.

Шу боиски, қаҳратон қиш ойларида марказдан 180-250 км. олисдаги Қизилқум барханлари орасида қўйларни парвариш қилаётган чўпонларга «Қорақалпоқматлубот» акционерлик компанияси ходимлари намунали хизмат кўрсатмоқда. Улар «Қизилқум», «Буханмерей», «Қизил қалъа», «Уст-Юрт», «Қорақалпоғистон», «Қўнғироткўл», «Жанадарё», «Мулик» каби қоракўлчилик жамоа хўжаликлари чўпонларига ўз вақтида озиқ-овқатлар, кийим-кечаклар ва бошқа молларни етказиб бермоқдалар.

— Ҳозиргача чўпонларга 520 тонна ун, 87 тонна ўсимлик ёғи, 45 тонна макарон, 52 тонна қанд-шакар, 13 тонна чой ва бошқа маҳсулотлар, шунингдек, чўпонларга ва уларнинг оилаларига кийим-кечаклар, пўстин, куртка, телпак, ҳар хил ўлчамдаги оёқ кийимлар ва бошқа энг зарур маҳсулотлар етказиб бердик, — дейди акционерлик компанияси бошқаруви раиси Давлатали Сахиев. — Чорвадорларга зарур бўлган ҳамма нарсалар савдо ходимларининг диққат-эътиборида. Улар қандай буюртма берса, бажонидил бажаришга ҳаракат қилмоқдамиз.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Баҳор юмушлари *Тургунбек МАҲКАМОВ олган сурат*

«Эски Жўва бозори» очиқ акционерлик жамиятининг Кузатув кенгаши шуни маълум қиладики, жамият акционерларининг навбатдаги умумий йиллик йиғилиши 15 апрель куни соат 10^00 да бозор ҳудудида жойлашган «Манзура» ЖКнинг биносида ўтказилади

Манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Бозор майдони, 28-уй.

Кун тартибига қуйидаги масалалар киритилган:

1. Жамият молиявий-хўжалик фаолиятининг 1998 йил натижалари ҳақида Бошқарув раисининг ҳисоботи ҳамда 1999 йил истиқболлари тўғрисидаги маърузаси.
2. Жамиятнинг молиявий натижалари ҳақида бош ҳисобчи ахбороти.
3. Жамиятнинг 1998 йилги молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш юзасидан тафтиш комиссиясининг ҳисоботи ва аудиторлик текширувининг хулосаси.
4. Жамият йиллик балансини ва 1999 йил учун харажатлар рўйхатини (сметасини) ва фаолият режаларини тасдиқлаш.
5. Дивидендларни тасдиқлаш ва уни тўлаш тартиби.
6. Жамият аудиторини тасдиқлаш.
7. Кузатув кенгашига ўзгартириш киритиш ва аъзолар сайлаш.
8. Бозор ҳудудида тартиб-интизомни сақлаш мақсадида туман ИИБ ва ДАН ходимларидан жалб қилиш.
9. Тафтиш комиссиясига ўзгартириш киритиш.
10. Хайрия кўрсатиш мақсадида бозор харажатларидан маблағлар ажратиш.
11. Жамият фондлари ҳақидаги Низомни тасдиқлаш.

Йиғилишда қатнашувчи акционерлар ёки уларнинг вакилларини рўйхатга олиш 15 апрель куни соат 9^00 дан юқорида қайд этилган манзилда амалга оширилади. Акционерлар реестри 16 март куни билан ёпилади.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ

Журналист текшируви

Бойўғлилар маконига айланган «кошона»

Шўрчи шаҳри марказида бир теннис корти мавжудки, уни бориб кўрсангиз... нақт бойўғлилар макони дейсиз-ов. Кўришга «муяссар» бўлиш учун эса шунақанги машаққатларга дучор бўласизки, асти қўяверинг.

Яқинда эса биз ҳам ана шу «бахтли воқеа»га гувоҳ бўлдик. Туман спорт қўмитаси раиси Усмон Ибрагимовга мақсадимизни тушунтиргач, у киши ўринбосари Абдураззоқ Жўраевни чақирди.

— Мен биринчидан теннис корти қурилиши бўйича ҳеч нарсага жавоб бермайман, — дейди А. Жўраев. — Иккинчидан, туман раҳбарларининг рухсатисиз интервью беролмайман.

Бошлиқ у дейди, ўринбосари бу. Хуллас, хонада ярим соатлар чамаси даханаки «жанг» бўлди. Суст бораётган корт қурилиши ҳақида маълумот йўқ.

Пировардида туман раҳбарларига учрашадиган бўлдик. Агар улар рухсат беришса маълумот берилади, аксинча йўқ. Шаҳар ҳокими Зиёдилла Соатовдан ҳам жўяли жавоб ололмагач, туман ҳокимининг ўринбосари Турсунали Маматхонов қабулида бўлдик.

— Бу қурилиш учун қанча маблағу материал кетганидан асло хабарим йўқ, — дейди ҳоким ўринбосари. — Бунинг учун сиз «Олтиной» кичик корхонаси директори Орас Касабоевни топишингиз зарур. Ҳойнаҳой у билар.

Спорт қўмитаси раисининг ўринбосари маълумот беришни хоҳламаса, ҳокимиятдаги мутасадди раҳбарлар ўзларининг туманларидаги бу қурилиш мажмуидан бехабар бўлсалар... Кимга мурожаат қилиш мумкин?!

— 800 ўринга мўлжалланган бу теннис корти қурилиши 1996 йилда «Олтиной» кичик корхонаси ҳисобидан қурила бошланди, — дейди О. Касабоев. — Мақсадимиз — Шўрчида ҳам кичик тўп ошуфталарига яхши шароит яратиб бериш эди. Турли туманларга қатнаб, зарур қурилиш материалларини тайёрладик. 1996 йилнинг февраль ойидаёқ 279-қурилиш жамланмасига бажарилган ишлар учун ҳисоб рақамимиздан 315 минг сўмдан ортиқ пул ўтказиб бердик. Март ойида 893 минг 381 сўм, апрелда 299906, — жами 1 миллион 541 минг сўм пул тўланди. Қурилиш ишлари тезлашиб кетди. Шу орада корхонамиз ёпилди-ю, кортнинг қурилиши ҳам тўхтади. Шундан буён қолган ишга қор ёғиб ётибди, — дея давом этди у ғиштларию плиталари ўпирилиб тушган бинони кўрсатиб. — 3 йил давомида ўғирлана-вериб, харобага айланиб қолди. Қилинган меҳнатга, кетган маблағга ачинаман, холос. Раҳбарлар эса бу ишга панжа орасидан қарашмоқда. Уларга учрашавериб чарчадим. Менга дағдаға қилишдан нарига ўтишмаяпти.

... Шўрчида эса мишмиш «оралаб» юрибди. Март ойида ўша — биз юқорида тилга олган 800 ўринга мўлжалланган теннис корти ишга тушармиш. Бунга турли ҳомий ташкилотлар ҳам «жон-жон» деб бош қўшибди. Бир ярим миллион сўмдан ортиқ пул корт учун «нақд» эмиш. Бундан бехабар юрган Орас ака эса — ука, корхонамиз балансида бўлган кортни спорт қўмитасидагилар тортиб олишди, лекин расмийлаштиришни пайсалга солмоқда, деб афсусланиб юрибди. Шу ўринда ҳақли савол туғилади. Нега энди кичик корхона ҳисобида бўлган кортни спорт қўмитасидагилар тортиб олишади? Бу воқеадан Шўрчи туман раҳбарлари бехабар бўлишсалар, вилоят мутасаддилари нима дейишаркин?

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо тоқусидир

Қалбаки имзо ижодкори

Эндигина йигирма етти баҳорни қаршилаган Рустам илгари ҳам жиноий қилмишига яраша судланиб, жазо муддатини ўтаб қайтган эди. Нафс балоси уни яна жиноятга бошлади. Пахтакор туманидаги 7950-сонли банкнинг «Мингчинор» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган 09-сонли шаҳобчасида назоратчи-хазиначи бўлиб икки йилдан кўпроқ ишлади. Дастлаб ҳалол, виждонан меҳнат қилди. Шундан бўлса керак, жамоада ўзига яраша обрў-эътибор топди. Аммо, қўлидан жарақ-жарақ пул ўта бошлагач, нафс ўпқони уни яна домига тортди. Моддий жавобгар шахс вазифасида ишлаётган Р.Қодиров ўз мансаб ваколатидан фойдаланиб хизматини суиистеъмол қилди. Тўғриғи, унга ишониб топширилган давлатимизнинг доимий диққат-эътиборида бўлган, кам таъминланган оилалар учун ажратилган маблағдан 43851 сўм пулни фуқароларнинг имзоларини қалбакилаштириш йўли билан ўз фойдасига ўзлаштирди.

Хўш, бундай нохуш воқеа қандай рўй берди? Рустамнинг хизмат вазифасига аҳолининг пулларини омонатларга қўйиш, уларга тегишли хужжатларни расмийлаштириш, омонатдаги пулларни бериш, нафақа ва кам таъминланган оилаларга бериладиган моддий ёрдам пулларини тарқатиш кирган. Пулини ундан олаётган мижоз эса Ф-54 ордерига пулни олаётган кун санаси, қайси ой учун олаётгани ва қанча миқдорда эканлигини сўз ва рақамларда ёзиши ҳамда имзо қўйиши лозим. Ордернинг орқа бетига мижознинг паспорт маълумотлари ёзилиб, шундан сўнг ведомостга имзо чекилади. Ўз-ўзидан равшанки, бундай масъулиятли иш жараёни вақтиваҳти билан тафтиш этиб борилади. Навбатдаги тафтишда Р.Қодировнинг 181813 сўм миқдордаги ўз мижозлари пулларини ўзлаштиргани маълум бўлиб қолди. Лекин, бу пулларнинг аксарияти мижозларнинг яқин қариндошларига ва ҳатто уларнинг ўзларининг илтимосига кўра, имзосиз тарқатилган. Рустамнинг ўзи ҳужжатга имзо қўйиб, тарқатиб юборавергани. Бу ҳақда судда Ш.Умарова, А.Шомуродова, Н.Тўғизбоева ва яна 12 фуқаро гувоҳлик бериб, кам таъминланган оила сифатида ажратилган пулларни баъзи ҳолларда фарзандлари, оила аъзолари, ёки турмуш ўртоқлари тегишли ҳужжатларга имзо чекиб олганликларини баён этишади.

Шу ўринда ўйлаб қоласан киши: наҳотки бу фуқаролар оддий бир эътиборсизликлари билан белгилаб қўйилган қатъий қоидани четлаб ўтишиб, қонунбузарликларга шароит яратиб берганликларидан бехабар бўлишса? Агар бу фуқаролар ҳам ўзларига тегишли пулларни шахсан имзо чекиб ёки тегишлича қонуний қилиб олишганида эди, Р. Қодировдек моддий жавобгар шахснинг ҳужжатларга истаганча қалбаки имзо қўйиб, бировнинг пулини ноқонуний ўзлаштиришига йўл қўйилмаган бўларди.

Неъмат БОБОЖОНОВ,
Жиззах вилоят судининг судьяси,
Абдуманнон АЗИМОВ,
журналист

«Тошвилоятавтотеххизмат» очиқ турдаги акционерлик жамияти жамоаси

Азиз юртдошларимизни гўзаллик, шоду хуррамлик ва қувонч байрами Наврўзи олам билан самимий муборакбод этади

Инсон меҳнатининг қадрини биладиган, тинч, осойишта ва фаровон юртга ҳар қанча байрам ярашади. Бизнинг Ўзбекистонимиз ана шундай, Оллоҳнинг назари тушган серқуёш ўлка. Бу билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Ўз автомобили, пахтаси, тилласига ҳамда бошқа зарур нарсаларига эга бўлган юртнинг келажаги буюк бўлишига астойдил ишонамиз ва бунинг учун биз ҳам бутун куч-ғайратимизни аямаймиз. Юртдошларимизни байрам билан қутлар эканмиз, Ватанимиз осмони ҳамиша мусаффо бўлишини, халқимизнинг фаровон яшашини тилаймиз. Эришган ғалабаларимизга асло кўз тегмасин!

Юртимизни ёмон кўзлардан асрасин!

Савдо ва тижоратга кўмаклашувчи «САВДОГАР» ихтисослаштирилган акционерлик тижорат банки

Ўз акциядорларига 1999 йил 17 апрель соат 10⁰⁰ да Тошкент шаҳри, Сайид Барака кўчаси, 74-уй, Тошкент вилоят матлубот жамияти биносида 1998 йил якуни бўйича

Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилишини Эълон қилади

Кун тартиби:

1. Савдогарбанкнинг 1998 йилги якунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг 1998 йил 23 декабрь ва 1999 йил 16 февралдаги Вазирлар Маҳкамаси йиғилишларида қилган маърузаларидан келиб чиқадиган банк фаолиятининг 1999 йилги асосий йўналишлари.

2. Савдогарбанкнинг 1998 йил ҳисоботи, бухгалтерлик баланси, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш.

3. Савдогарбанк тафтиш комиссиясининг ҳисоботи.

4. Савдогарбанк кенгаши қарорларини тасдиқлаш.

5. Турли масалалар.

Акциядорлар қайд этилган манзилда соат 8.30 дан 9.45гача рўйхатга олинади. Маълумот олиш учун телефонлар: 54-19-91, 54-19-38.

Банк кенгаши

11 номзоддан 7 нафари курашмоқчи

Жазоирда 15 апрель куни президент сайлови бўлиб ўтади. Жазоир Конституциявий кенгашидан маълум қилинишича, дастлабки кўрсатилган 11 номзоддан фақат 7 нафари курашни давом эттиради.

Маҳаллий сиёсатчиларнинг таъкидлашича, бўлажак сайлов мамлакат сиёсий ҳаётида ижобий ўзгаришлар ясаши лозим. Чунки, етти йилдан буён ҳукумат билан мутаассиб диндорлар ўртасида давом этаётган қуролли қарама-қаршиликлар туфайли мамлакатда беқарорлик авж олиб кетган. Маълумотларга қараганда, ўтган шу давр ичида қарийб 120 мингдан зиёд фуқаро қуролли низолар қурбони бўлган.

Олти йилдан сўнг...

Шимолий Корея ҳамон бойитилган уран ишлаб чиқариш технологиясини ўзлаштиришни давом эттирмоқда. У тахминан олти йилдан кейин ўзининг ядро қуролига эга бўлади. «Вашингтон таймс» газетасининг АҚШ Энергетика вазирлиги махфий маърузасига таяниб эълон қилган мақоласида шундай дейилади.

АҚШ Энергетика вазирлигининг маълумотларига кўра, Шимолий Корея бойитилган уран ишлаб чиқариш устида ўзи иш олиб бораётганидан ташқари, Покистондан ҳам ана шундай технология олишга ҳаракат қилмоқда. Бу билан у Миллий ядро дастурини тўхтатиш бўйича 1994 йили ўз зиммасига олган ҳалқаро мажбуриятни бузмоқда.

Вазирлар норасмий учрашди

Германиянинг Элтвилле шаҳрида Европа Иттифоқига аъзо 15 мамлакат ташқи ишлар вазирларининг норасмий учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувда Косово можаросини тинч йўл билан ҳал қилиш, серб ҳамда косоволик албанлар музокараларининг иккинчи босқичи ва унда томонларнинг ўзаро тинчлик келишувига эришиши билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Тадбир қатнашчилари ўлкадаги қарама-қарши гуруҳларни ўзаро ҳамжиҳатликка чақириб, Косовога тинчлик кучларининг киритилиши бу ерда осойишта ҳаётни қарор топтиришда муҳим аҳамият касб этажагини таъкидлади.

Шунингдек, учрашувда томонлар Европа Иттифоқида ислоҳотлар ўтказиш ва унинг янги асрдаги фаолияти билан боғлиқ масалалар юзасидан ҳам ўзаро фикр алмашди.

Сессия якунланди

Пекинда Умумхитой халқ вакиллари йиғининнинг навбатдаги сессияси ўз ишини якунлади. Ўн бир кун давом этган ушбу анжуманда 3 мингга яқин делегат иштирок этди.

Сессияда парламент аъзолари мамлакат бюджети ва иқтисодий-ижтимоий ривожланиш режасининг 1998 йилда қандай бажарилгани ва 1999 йилги лойиҳаси бўйича маърузани тинглади ва уни тасдиқлади.

НАТО ҳарбийлари Салоникида

НАТО бўлинмалари ва ҳарбий техникаларининг Грециядаги Салоники шаҳрига келиши давом этмоқда. Улар бу ердан қўшни Македонияга ўтиб, халқаро ҳимоячи сифатида Косоводаги вазиятни кузатади.

Шу кунгача Салоники темир йўл вокзалига НАТОнинг ҳарбий қуроллари ортилган 15 вагон етиб келган.

Биринчи босқичда НАТОдан 18 февраль куни Салоники шаҳри орқали Македонияга 2500 дан зиёд ҳарбий хизматчи юборилган эди.

Можаролар давом этмоқда

Индонезияда турли диний гуруҳлар ўртасидаги можаролар тобора кенг тус олаётир. Амбон шаҳрида давом этаётган тўқнашувларда ўтган икки кун ичида яна 9 киши қурбон бўлди. Амбонда январь ойида бошланган диний можаролар ҳозиргача жами 200 дан ортиқ кишининг ёстиғини қуритди. Шаҳарда вайроналар тобора кўпайиб бормоқда.

Пентагон раҳбари баёноти

АҚШ Мисрга 3,2 миллиард долларга тенг миқдорда замонавий ҳарбий қурол-аслаҳа сотиш ниятида. Пентагон раҳбари Уилям Коэн Мисрга ташрифи чоғида шундай баёнот берди.

АҚШ Мисрга 24 та «Ф-16» русумли қирувчи самолёт, 200 та «М-ИА1» танки ва ҳарбий ҳаво мудофаасида қўлланиладиган «Пэтриот-3» русумли ракета ҳамда уни учирадиган қурилма етказиб беришни режалаштирмоқда.

Янги ҳукумат тузилди

Конго Демократик Республикасида мамлакатнинг янги ҳукумати тузилди. Унинг таркибида 22 та вазир бор.

Ташқи ишлар ва ҳамкорлик вазири Абдуллае Еродианинг айтишича, янги ҳукуматнинг асосий вазифаси мамлакат Президентига қарши курашаётган кучлар исёнини бостиришдан иборат.

КДР Президенти Л. Д. Кабила янги ҳукуматнинг бошлиғи ва мудофаа вазири лавозимларини ўзида сақлаб қолди.

(ЎзА)

ТАШКИЛОТ

«ВАЗ», «Москвич», «ГАЗ-24», «ГАЗ-53», «УАЗ», «ЗИЛ», «МАЗ», «КамАЗ» автомобиллари учун эҳтиёт қисмларни **сотади**

ҲАҚ ТЎЛАШ – ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти доирасида харидорнинг омборхонасигача бепул етказиб бериш мумкин

Манзил

Тошкент, Нукус кўчаси, 29 («Ўзбекистон» машиний хизмат кўрсатиш уйи) — Мўлжал Шимолий темир йўл вокзали.

Телефон: 54-56-11.
Факс: 54-49-97
Пейжер: (067) 90-79

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги томонидан Фанлар академиясининг Археология институтига 1997 йил 17 ноябрда берилган № 8-7059 рақамли сертификат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ





Қадимий Наврўз ва муқаддас Қурбон ҳайити байрамлари арафасида Туркия Республикаси Президенти Сулаймон Демирэлнинг Ўзбекистонга ташрифини қутлаймиз ва бу ташриф икки қардош халқ орасидаги абадий дўстлик ва ҳамкорликнинг ривожланишида янги босқич бўлишига ишонч билдирамиз.

Nevruz ve Kurban Bayramları arefesinde Türkiye Cumhuriyeti Cumhurbaşkanı Sn. Süleyman Demirel'in Özbekistan ziyaretini tebrik eder, bu ziyaretin, iki kardeş halk arasındaki mevcut olan ebedi dostluğu ve işbirliğini geliştirmesini dileriz!

DM
DEMİR GROUP

Ҳамиша биз билан бирга бўлинг!

Реклама ва эълонлар учун телефонлар:

«Ўзбекистон овози» — 133-47-80,
«Голос Узбекистана» — 136-26-70,
«Осиё бозори» — 133-38-55

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-47-80, 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.

Факс —133-38-55, 133-73-43

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-46-84;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир Нурбек ТОШНИЁЗ, навбатчи Маъмуржон ҚИЁМОВ

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ҲАМИДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004
Газета офсет усулида, А—2 форматида, 27.360 нусхада босилди.

Ҳажми 2 босма табоқ.

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г —0177

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 00.40
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА